

“SHARQ” НМАК




Ёшлар иттифоқи  
бошланғич ташкилоти

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“SHARQ” НМАК

Бош директори

  
А. Гулямов  
“10” 10 2019 й.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
“SHARQ” НМАК  
БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТИ  
ЙЎРИҚНОМАСИ



## 1. УМУМИЙ ҲОЛАТИ

1.1. “SHARQ” НМАК ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти бевосита компаниянинг Бош директорига буйсунади.

1.2. Ташкилотни Бош директор буйруғи билан тайинланган етакчи бошқаради.

1.3. Бошланғич ташкилот ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конунчилигига, ҳукумат қарор ва фармойишларига, компания бош директори буйруғи ва фармойишларига, “SHARQ” НМАК Низоми, жамоа шартномаси ҳамда мазкур йўрикномага таяниб иш кўради.

## 2. АСОСИЙ ФАОЛИЯТИ

2.1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳиятини, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини компания ишчи-ходимлари, айниқса ёшлар қалби ва онгиға таъсирчан усууллар орқали сингдириш(давра сухбатлари, ижодий учрашувлар, маданий тадбирлар ва х.к.) одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш борасидаги ишларни янада кучайтириш.

2.2. Компания ёшларининг тафаккурини, дунёқарашини кенгайтириш, мағкуравий билимларини, ҳукуқий-тиббий саводхонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш бўйича лекциялар, ўкув-семинарлар ташкил этиш.

2.3. Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон ёшлар иттифоқига ўрнатилган тартибда ва шаклда ҳисобот ва маълумотлар бериб бориш.

## 3. ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Ишлар самарадорлиги ва натижадорлигини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар йиллик дастурини тузиб, раҳбариятдан тасдиқлатиш ва шу асосда иш олиб бориш.

3.2. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш.

3.3. Китобхонликни кенг тарғиб килиш.

3.4. Компаниянинг илғор ёшларини республикамизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатга боришни ташкиллаштириш.

3.5. Компания бошланғич ташкилоти, “Маънавият ва маърифат” маркази ҳамда касаба уюшмаси билан баҳамжиҳатликда ёшлар ўртасида



3.5. Компания бошланғич ташкилоти, “Маънавият ва маърифат” маркази ҳамда касаба уюшмаси билан баҳамжиҳатлиқда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ҳамда спорт мусобақаларини уюштириш.

#### 4. ХУҚУҚЛАРИ

4.1.Бошланғич ташкилот қўйидаги хуқуқларга эга:

- а) Компаниянинг мутасаддиларидан бошланғич ташкилот фаолиятига тегишли кўрсатма, маълумот, ҳужжат ва фармойишларни қабул қилиш;
- б) Ташкилот томонидан ўтказиладиган тадбирларга компания ёш ишчи-хизмачиларини жалб этиш;
- в) Ўз иш фаолиятини мустақил белгилаши ва ўзи тузган дастур-режани компания раҳбарларига тасдиқлатиб, унинг асосида иш олиб бориш.
- г) Тадбир ва спорт мусобақаларини ташкил этишда алоҳида фаоллик кўрсатган ёш ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантириш бўйича компания раҳбаријатига таклиф киритиш.

#### 5. ЖАВОБГАРЛИК

5.1.Мазкур йўриқномада кўрсатилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши учун бошланғич ташкилот етакчиси жавобгар ҳисобланади.

Бошланғич ташкилот етакчиси қўйидагилар учун шахсан жавобгар:

- бошланғич ташкилот фаолиятини юргизиш ва зиммасига юклатилган вазифа ҳамда мажбуриятларни вақтида бажарилишини таъминлаш;
- режа-дастурга киритилган ишларни ўз вақтида ташкиллаштириш, ҳужжатли ишларнинг тезкор ва сифатли тайёрланиши ҳамда жўнатилишини назорат қилиш.
- компания раҳбаријати топшириқлари ижросини ўз вақтида таъминлаш;
- мулк ва жиҳозларни сақлаш ва ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш.

“SHARQ” НМАК



Ёшлар иттифоқи  
бошланғич ташкилоти

Ишлаб чиқилди	лавозими	Имзо	Ф.И.О.	Сана
	Касаба уюшмаси раиси		Хакимов F.F.	
Келишилди:	Молия-иқтисод бошқармаси бошлиги		Рахмонов Ж.А.	
	Юридик бюроси ходими		Гулямов А.	
Танишдим:	Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилот етакчisi		Пулатова Ш.А.	